



TURKIY TILLI DAVLATLARNING FALSAFASI, MADANIYATI, ALOQALARI: TARIX, BUGUN VA KELAJAK

VI XALQARO SIMPOZIUM

Toshkent shahri, 2025-yil, 23-oktabr



PHILOSOPHY, CULTURE, AND RELATIONS OF TURKIC-SPEAKING STATES: HISTORY, PRESENT, AND FUTURE

VI INTERNATIONAL SYMPOSIUM

Tashkent city, October 23, 2025

“Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси”
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2025

UDK 008:1(=512.1)(09)(082)

КБК 71.1+63.3

К 21

Turkiy tilli davlatlar falsafasi, madaniyati, aloqalari: tarix, bugun va kelajak nomli xalqaro simpozium materiallari. –Toshkent. 2025-yil.

MAS'UL MUHARRIR:

М. Камилов, Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси ректор, доцент

TAHRIR HAYATI:

Daminov I.	Filologiya fanlari nomzodi, dotsent
Yusupova N.	Yuridik fanlar doktori, professor
Bekmirzayev I. I.	Tarix fanlari doktori, professor O'zXIA.
Kaxxarova M. M.	Falsafa fanlari doktori, professor
Rajabov Sh.	Falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent
Karimova D. R.	Yuridik fanlar doktori (DSc), dotsent O'zXIA.
Aldabek N. A.	Filologiya fanlari nomzodi, dotsent QMU (Qozog'iston)
Valiyev B. N.	Falsafa fanlari nomzodi, dotsent O'zXIA.
Tadjiyev H. H.	Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent JQU (Qozog'iston)
Xaydarov M.	Islomshunoslik fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent O'zXIA.
Kaliyev A.	Siyosiy fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent QXU (Qirg'iziston)
Saidjalolov S. S.	Tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dots. v.b. O'zXIA
Avazova Sh. T.	Yuridik fanlar nomzodi, dots. v.b., O'zXIA
Rashidova Sh. R.	Yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD), dots.v.b. O'zXIA.
Xudoyberdiyeva Sh.	Yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD), dots.v.b. O'zXIA.
Rashidov F. T.	Dots.v.b. O'zXIA.
Mamazova Z.	Katta o'qituvchi. O'zXIA.
Jumaniyozova M.	O'qituvchi. O'zXIA.

KOORDINATOR:

Ergashev M. F. Ijtimoiy fanlar va huquq kafedrası kabinet mudiri.

Mualliflar maqolalarda keltirilgan fikrlar, ma'lumotlar hamda manbalarning ishonchli va asosli ekanligiga mas'uldirlar.

O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi Ilmiy, o'quv-uslubiy kengashining 2025-yil 27-oktabrdagi 3-sonli majlisida nashrga tavsiya etilgan

ISBN 978-9910-9309-9-7

© “Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси”
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2025

АБДУЛЛОҲ СУБАЗМУНИЙ БУХОРИЙНИНГ ҲАДИС ИЛМИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Doniyor Muratov

*INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,
doctor of philosophy PhD in Histori and Source Studies of Islam, dotsent «The
Islamic Studies and studies of Islamic Civilization ICESCO.
doniyorhoji@mail.ru*

Аннотация: Ушбу мақолада мовароуннахрлик машхур олим, муҳаддис ва фақиҳ Абдуллоҳ Субазмунининг ҳаёти ва ҳадис илимга қўшган илмий мероси унинг “Муснад” асари мисолида ўрганилган. Мовароуннахрда фикҳ илмини ривожда ҳам Абдуллоҳ Субазмунининг ўрни катта. Чунки манбаларда унинг кўплаб фақиҳ олимлар устозлари қаторида туриши кўрсатиб ўтилган.

Манбаларда унинг бир неча асари бор, дейилган бўлсада, олимнинг икки асари аниқланди: «Кашф ал-осор фи маноқиб Аби Ҳанифа» ва «Муснад Аби Ҳанифа». «Муснад» асарида имом Абу Ҳанифа ўз устозларидан келтирган ҳадислар ва бошқа ривоятлар жамланган.

Калим сўзлар: Кашф ал-осор, муснад, иснод, ҳадис, фикҳ, муҳаддис, фақиҳ, ансоб, ҳадисишунослик, ровий, қўлёзма.

Annotation: This article examines the life and scientific legacy of the famous scientist, muhaddis and faqih Abdullah Subazmuni from Maverannah and his contribution to the study of the science of hadith. Abdullah Subazmuni also played an important role in the development of fiqh science in Maverannah. Because sources indicate that he was a faqih among the mentors of many outstanding scientists.

Although the sources say that he has several works, but only two works of the scientist have been identified: «Kashf Al-asar fi manaqib Abi Hanifa» and «Musnad Abi Hanifa». The «Kashf Al-asar», along with hadiths, contains manakibs, fatwas, biographies and other narratives of Hanafi scholars, and the «Musnad» contains hadith narrated by Imam Abu Hanifa.

Keywords: «Kashf al-asar», musnad, isnad, Hadith, fiqh, muhaddith, faqih, ansab, Hadith studies, rawi, manuscript.

Аннотация: В этой статье исследуется жизнь и научное наследие известного ученого, мухаддиса и факиха Абдулла Субазмуни из Мавераннахр и его вклад в изучение науки хадис. Абдулла Субазмуни также сыграл важную роль в развитии науки фикха в Мавераннахре. Потому что источники указывают на то, что он был факихом среди наставников многих выдающихся ученых.

Хотя в источниках сказано, что у него есть несколько работ, но были идентифицированы только две работы ученого: «Кашф Аль-асар фи манакиб Аби Ханифа» и «Муснад Аби Ханифа». В «Кашф Аль-асар» наряду с хадисами приводятся манакобы, фетвы, биографии и другие повествования ханафитских ученых, а в «Муснаде» собраны хадисы, рассказанные имамом Абу Ханифой.

Ключевые слова: «Кашф аль-асар», муснад, иснад, хадис, фикх, мухаддис, факих, ансаб, хадисоведение, рави, рукопись.

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Субазмунӣ (258-340/872-952) бухоролик машҳур фақиҳ ва муҳаддис ҳисобланади. Унинг тўлиқ исми Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Яъқуб ибн Ҳорис ибн Халил Устоз Имом Ҳофиз Фақиҳ Субазмунӣ Ҳорисий Калобозий бўлиб, у Бухородан ярим фарсах (1,5 км.) узоқликдаги Субазмун қишлоғида 258/872 йили таваллуд топган.

Абдуллоҳ Субазмунӣ ханафий мазҳабининг машҳур фақиҳларидан ҳисобланиб, муҳаддис ҳамда тилшунос олим бўлгани ҳам манбаларда учрайди. Ўз замонасида одамлар имом Субазмунидан доимий равишда маслаҳатлар олиб, унда бирор марта хато учрамаганлиги учун унга «Устоз» лақабини берганлар.

Олим Ироқ, Ҳижоз ва Хуросон шаҳарларига кўплаб саёҳат қилганлигидан «ал-Жаввол» (жаҳонгашта, саёҳатчи) лақабини олган ҳамда ҳадис ва адабиётдан дарс ҳам берган.

Абдуллоҳ Субазмунӣ 340/952 йили шаввол ойининг 5-жума (4-март) кунида вафот этган. Унинг туғилган ва вафот этган йиллари хусусида ихтилофлар йўқ. Унинг қабри ўзи туғилиб ўсган Субазмун қишлоғида жойлашган [Лакнавий А., 1998:291]. Шунингдек, Аҳмаб ибн Маҳмуд Бухорийнинг «Тарихи Муллозода (Бухоро мазоролари)» асарида олимнинг мазори ҳақида маълумот беради. Жумладан, «Субадмундаги қабрлар тўғрисида» деган бобида «Шунингдек, улуғ шайх ва машҳур имом Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Яъқуб ибн Ҳорис Субадмунӣ қаддасаллоҳу таоло руҳахунинг покиза қабри ҳам ўша ердадир» [Бухорий А., 2019:92], дейилган. Шу билан бирга бу фикрни муҳаддис, тарихчи, ханафий фақиҳи Абдулҳай Лакнавий (ваф. 1304/1887 й.) «ал-Фавоид ал-баҳийя» асарида ҳам тасдиқлайди, жумладан, Муҳаммад ибн Абдусаттор Шамс ал-аимма Кардарий (ваф. 642/1245 й.) ҳақида сўз юритиб, «...Субазмунда, Устоз Абдуллоҳ Субазуний қабри ёнига дафн қилинган», деган. Бироқ ҳозирда бу қабристон фаолиятини тўхтатгани ва Субазмунӣ қабри борасида маълумот йўқлиги учун олимнинг қабрини аниқ билишнинг имкони йўқ.

Абдуллоҳ Субазмунӣ ҳақида ёзилган манбаларда унинг бир неча асарлари бор (лаҳу тасониф)» деб айtilган [Йўлдошев Н., 2001:10]. Ҳозирга қадар унинг «Муснад Аби Ҳанифа» ҳамда «Кашф ал-осор фи манокиб Аби Ҳанифа» (бу асар қисқача қилиб «Кашф ал-осор» дейилади) асарлари етиб келган. Мазкур иккинчи асар Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 3105-рақами остида сақланиб келинмоқда. Аммо алломанинг биринчи асари «Муснад Аби Ҳанифа»нинг Ўзбекистондаги нусхалари ҳақида маълумот мавжуд эмас.

Шунингдек, «Кашф ал-осор фи манокиб Аби Ҳанифа»да Муҳаммад ибн Бишр ривоятида «У Абу Ҳанифа орқали кўп ривоят келтирган бўлиб, уларнинг аксарияти ғарибдир ва уларнинг кўпини «Муснад» китобида келтириб ўтдик», «у ривоят қилган ҳадислар кўп бўлиб уларни «Муснад» китобида зикр қилдик» [Субазмунӣ А., 85^a, 60^a, 8^b ва бошқ.] дейилганидан «Муснад» «Кашф ал-осор»дан

олдин ёзилган деган хулоса келиб чиқади. Бундай ҳолатлар кўп такрорлансада, бироқ Абдуллох Субазмуний ўзининг бошқа асари ҳақида маълумот келтирмаган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, олимнинг «Муснад Аби Ҳанифа» асари ҳозирги кунгача тўлиқ ҳолда етиб келмаган. Шундай бўлсада, ушбу асар ҳақидаги маълумотларни Хасфакийнинг «Мухтасар» асари орқали аниқлаш мумкин. Имом Субазмуний ўз «Муснад»ини имом Абу Ҳанифанинг шайхлари (устозлари) асосида тузиб чиққан. Унда Имом Абу Ҳанифанинг 79 та шайхи иштирок этган.

«Муснад»да имом Абу Ҳанифанинг шайхи зикр этилиб, сўнгра ўша шайхнинг ҳадислари баён қилинади. Масалан, «Абу Ҳанифа Ҳакам ибн Утайбадан ривоят қилган ҳадислар» деб Ҳакамдан қандай ҳадислар ривоят қилган бўлса ўшаларни бирма-бир келтиради. Бу ҳолат одатдаги муснад ёзиш услубидан фарқ қилади.

Субазмунийнинг «Муснад»и илм аҳллари орасида жорий қилиниши асосан маҳаллий ровийлар, яъни, Ибн Манда ривояти орқали келтирилган бўлиб, ҳанафий мазҳабидаги ўлкаларга тарқалган.

Мазкур муснадлар орасида Абдуллох Субазмунийнинг «Муснад» асари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, «Кашф ал-осор»дан аввал ёзилган. Бу асарнинг бир қўлёзмаси ал-Азҳар университети кутубхонасида «21440» рақами остида (176 варақдан иборат) ва иккинчиси Ҳайдарободнинг Дакан номли кутубхонасида сақланиб, асар «Ҳофиз Абу Муҳаммад Ҳорисий муснади» деб аталган [Ҳорисий А. 2008:336]. Бу асар Абу Муҳаммад Асютий томонидан таҳқиқ қилиниб, 2008 йилда нашр. Унда 915 та ҳадис жамланган бўлиб, машҳур муҳаддис Ибн Манда (ваф. 395/1005 й.) орқали ривоят қилинган.

Абдуллох Субазмунийнинг мазкур «Муснад» асари кейинчалик бошқа ҳанафий муҳаддислари томонидан қайта ишланган. Улардан бири Мусо ибн Закарийо ибн Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Соид Ҳаскафий Қозий Садруддиндир (ваф. 650/1252 й.). У Устознинг асарини мухтасар ҳолатга келтирган. Хаскафийдан сўнг унинг китобини шайх, аллома Муҳаммад Обид Синдий Мадиний (ваф. 1257/1839 й.) фикҳий масалалар тартибига кўра жойлаштирган. Бундан кўзланган мақсад Абу Ҳанифанинг устозларини билмаган толиби илм ундан ҳадисларни топиши қийин бўлган, шу боис ундан осонлик билан фойдаланиш учун фикҳий тартибда жойлаштириб чиққан [Урказаий М., 1978:147]. Асарда беш юздан ортиқ ҳадис ўрин олган бўлиб, у «ас-Синдий муснади» номи билан юритилади. Бу асарга Али Қори томонидан ёзилган шарҳ Ҳиндистонда 1312/1894 йили Ҳаравий томонидан нашр қилинган [Урказаий М., 1978:138]. Шунингдек, Муҳаммад Обид Синдийнинг ўзи асарга «ал-Маваҳиб ал-латифа фи-л-ҳарам Маккий би шарҳ Муснад ал-имом Хаскафий» номи билан шарҳ ҳам ёзган. Муснадлар орасидаги энг катта шарҳ эҳтимол шу бўлиши мумкин [Урказаий М., 1978:155]. Шунингдек, Муҳаммад Ҳасан Сунбуҳалий (ваф. 1305/1887 й.) Синдийнинг асарини «Тансик ан-низом бишарҳ Муснад ал-имом» номи билан шарҳлаган ва унинг муқаддима қисмида асардаги ровийлар ҳақида қимматли маълумотлар келтирган [Урказаий

М., 1978:157]. Бу асарда 521 та ҳадис шарҳланган [Ҳаскафий М., 2010:680]. Бироқ бу асарнинг қириш қисми жуда қисқа ва илмийлик жиҳатидан ёзилмаган, таҳқиқ қилинмаган.

Иккинчи олим Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Масъуд Жамолуддин Қунавий Димашқий (ваф. 771/1369 й.) ҳам Абдуллоҳ Субазмунийнинг асарини мухтасар қилиб, «ал-Мутамид мухтасар ал-Муснад» («Муснаднинг мухтасарига таянч») деб номлаган [Урказий М., 1978:143]. Аммо асарнинг қўлёзма нусхасида «ал-Мутамид аҳодис ал-Муснад» деб ном берилган [Қунавий., қўлёзма: 1⁶]. У асарни фикҳий масалалар тартибига кўра ўттиз уч бобга бўлиб чиққан. Сўнгра уни «ал-Мустанид шарҳ ал-Мутамид» номи билан шарҳлаган. Мавриди келганда айтиш керакки, бу олим тафсир, калом, фикҳ ва бошқа соҳаларда ҳам қалам тебратган серқирра фаолият соҳибидир.

Учинчи олим эса, Зайнуддин Қосим ибн Қутлубуғо (ваф. 879/1474 й.) бўлиб, у ҳам Ҳорисийнинг асарини Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Хусрав Балхий (ваф. 576/1183 й.) орқали бобларга бўлган ҳолда ривоят қилган ва у «Ибн Қутлубуғо Муснади» деб юритилади [Урказий М., 1978:149]. Бошқа ўринда «Табвиб Муснад лил Ҳорисий» [Каттоний А., 1982:972] номи билан зикр қилинган.

Ҳаскафий орқали етиб келган асарда ҳадислар бир неча бор такрор келган бўлса, бир ҳадис келтирилиб, қолганларида исноднинг ўзи зикр қилинади ва бу билан бошқалар ҳам бу ҳадисни нақл қилганини билдиради. Мухтасар қилинган жойда «Қола Абу Муҳаммад...» (Абу Муҳаммад деди...) деб таъкидланган ўринлар кўп учрайдики [Ҳаскафий М., қўлёзма: 176⁶], булар орқали Субазмуний келтирган иснодларнинг ўрнини кўриш мумкин. Бу эса бир ҳадиснинг кўплаб иснодлари мавжудлигини кўрсатиш йўлидаги ҳаракатдир. Чунки ҳадис илмининг қонуниятларига кўра, ҳадиснинг иснодлари қанча кўп бўлса ўша ривоят кучли ҳисобланади. Масалан, Имом Абу Ҳанифа шайхидан бир ҳадис айтса, ўша ҳадисни Абу Ҳанифанинг нечта шогирди ривоят қилган бўлса, ўшалар ҳадиснинг матнисиз келтирилади.

Хуллас, Абдуллоҳ Субазмунийнинг «Муснад» асари кўплаб олимлар томонидан тадқиқ этилган. Умуман олганда, юқорида келтирилган маълумотлардан Абдуллоҳ Субазмунийнинг асари устида олиб борилган ишлар кўлами кенг экани маълум бўлади. Айни пайтда, имом Субазмуний «Муснад»ининг бизнинг олимларимиз томонидан тадқиқ қилиниши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, бу борада Синдий асаридаги ровийларни чуқур ўрганиш юртимиздан етишиб чиққан барча ҳанафий муҳаддислар ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Имом Субазмунийнинг «Муснад» асари ҳажм жиҳатидан ҳанафий мазҳабида ёзилган Исфаҳоний ва бошқа олимларнинг “Муснад”ларидан катта ҳисобланиб, муҳаддислар ҳамда кенг халқ оммасига мўлжалланган манбалар сифатида қадрланган. Буни «Муснад»га ёзилган мухтасар ва шарҳларнинг кўплигидан ҳам билиш мумкин. Шу боис ҳам ҳанафий олимларининг ҳадис тўпламлари

орасида имом Субазмунийнинг «Муснад» ва Хоразмийнинг «Жомеъ ал-масонид» асарлари энг кўп зикр қилинади.

Ханафий олимлар кейинги даврларда ўз мазҳабларига нисбатан қилинган тухматлар боис ва хилма-хил кўринишдаги курашлар, зиддиятлар, жумладан, ҳадислар хусусидаги ихтилофлар туфайли ўзларини турли йўллар билан, айниқса, ҳадис илмига оид асарлар ёзиш билан ҳимоя қилишларига тўғри келди. Натижада ханафий олимлари томонидан яратилган ҳадис китоблари пайдо бўла бошлади. Бу турдаги китобларда асосан ўз мазҳаблари турли масалаларда ҳужжат сифатида ишлатадиган имом Абу Ҳанифадан ривоят қилинган ҳадислар жамланди. Мана шундай манбалардан Абдуллоҳ Субазмунийнинг «Муснад» ва «Кашф ал-осор фи манокиб Аби Ҳанифа» асарлари ўрин олган.

Шунингдек, Абу Муайяд Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад Хоразмий (ваф. 665/1266 й.) каби олимлар ҳам ўз асарларини яратишда ундан кенг истифода этганлар.

Ханафий муҳаддисларининг асосий эътиборлари ва олиб борган ишлари Имом Абу Ҳанифанинг муҳаддислик фаолиятини тўлиқроқ кўрсатишга ҳамда «ҳадисларни яхши билмайдиган» деган асоссиз гаплардан уни ҳимоя қилиш мақсади учун ҳам айнан ҳадислардан ҳужжат тўплашга қаратилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Лакнавий, Абдулҳай. *Ал-Фавоид ал-баҳийя*. – Байрут: Дор ал-Арқам: 1998. – Б. 291.
2. Бухорий, Аҳмад ибн Маҳмуд. *Тарихи муллозода дар зикри мазороти Бухоро / таржимон Раҳимов К.* – Т.: Фан, 2019. – Б. 92.
3. Ёўлдошев Н., Қурбонов Ҳ. *Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги зиёратгоҳлар тарихи*. Бухоро: Бухоро наشريёти, 2001. – Б. 10.
4. Субазмуний, Абдуллоҳ. *Кашф ал-осор фи манокиб Аби Ҳанифа*. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фонди. №3105. – В. 85^а, 60^а, 8^б ва бошқалар.
5. Ҳорисий, Абу Муҳаммад. *Муснад Аби Ҳанифа / таҳқиқ Абу Муҳаммад Асютӣ*. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 2008. – 336 б.
6. Урказий, Муҳаммад Амин. *Масонид имам Аби Ҳанифа*. – Карачи: Батрак Сентр, 1978. – Б. 105. – Б. 157.
7. *Тартиб Муснад ал-Имом ал-Аъзам / Мин ривоят ал-қодий ал-имом ал-муҳаддис аллома Садр ад-дин Мусо ибн Закарийе ал-Ҳаскафий рҳ. ли-Хотимат ал-Ҳофиз Муҳаммад Обид ас-Синдий ал-Ансорий рҳ. Маа шарҳ Тансиқ ан-низоми фи Муснад ал-Имом ли-Муҳаммад Ҳасан ас-Сунбулий рҳ. Янги нашр.* - Карачи: Мактабат ал-Буири, 2010. – 682 б.
8. Қунавий. *ал-Мутамид аҳодис ал-Муснад*. Қўлёзма / Устоз Муҳаммад ибн Туркий ат-Туркий шахсий кутубхонаси. 40 ғарз. <https://www.alukah.net/library/0/112140/>.
9. Каттоний, Абдулҳай. *Фихрас ал-фаҳорис ва-л-асбат*. – Байрут: Дор ал-Ғарб ал-исломий, 1982. – Ж. 1. – Б. 972.
10. Ҳаскафий, Мухаммад. *Мухтасар муснад Аби Ҳанифа*. – Қоҳира: Қўлёзма. Ал-Азҳар кутубхонаси. № Инв. № 311832. – В. 176^е.

TURKIY TILLI DAVLATLAR TARIXI VA DAVLATCHILIK SHAKLLANISHI AN'ANALARI

M.Қаҳҳорова. Туркий халқлар цивилизацион маконидаги маънавий-ахлоқий ҳамкорлик.	322
G. Güldane. The unifying power of sufis in the turkic world – the case of Aḥmad Yasawī–.....	330
T.T.Алимардонов. Турон давлатининг ташкил топишида ислом омили.....	340
D.X.Razakov. İlk oʻrta asrlarda qadimgi Turon va Xitoy iqtisodiy aloqalari	249
К.Захидов. Влияние религиозно-политической и военной среды на классификацию первичных источников	355
A.A.Шарапов, Ж.Н.Пулатов. Мягкая сила государств организации тюркских государств.....	358
M.Khurramov. The place of turkic cooperation in today's geopolitical landscape: prospects and difficulties	361
J.Sobirov. Yangi turkiy dunyo va kosmik diplomatiya rivoji: mintaqaviy integratsiyadan global hamkorlikka	364
Д.О.Абдалимова. О некоторых вопросах электронной коммерции в современных условиях интеграции и цифровизации.....	369
M.Jumaniyazova. Gender tenglikni taʼminlashda turkiy tilli mamlakatlardagi islohotchilik siyosati	374
D.B.Tojiev. The organization of turkic states – the new “Golden bridge” between east and west.....	379
E.Turdimirzaev. Amir Temur davrida amalga oshirilgan bunyodkorlik faoliyatlarining gʻoyaviy asoslari.....	383

TURKIY XALQLARNING ISLOM SVILIZATSIYASIGA QO'SHGAN HISSASI

A.K.Муминов. Ханафитские традиции в казахском медресе в XIX–XX веках	392
A.A.Hasanov, M.Mirzaeva. Saljuqiylar davlatining islom sivilizatsiyasiga qoʻshgan hissasi	401
G.Zhumatay. Statehood, islam and historical development of turkic peoples of central asia	409
D.Muratov. Абдуллох Субазмуний Бухорийнинг хадис илмига қўшган хиссаси	417
O.Ernazarov. Religious diversity in the turkic world: as a factor of development and a guarantee of security	422